Тошкент шаҳар партия конференциясида

XXI Тошкент шаҳар партия конференцияси мажлислар залида.

М. Нуриддинов фотоси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 7 (2902)
ШАНБА
10 ЯНВАРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН

Икки кун давом этган XXI Тошкент шаҳар партия конференцияси ўз ишини тугаллади.

Заводлар, фабрикалар, қурилиш ташкилотлари, фан ва маданият муассасаларининг бошланғич ташкилоти ўзларининг энг яхши вакилларига делегатлик мандатини топширди.

Залда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари— асбобсозлик заводи токари Анатолий Андреевич Ефимков, 11-«Висотстрой» трести дурадгорлар бригадаси бошлиғи Ҳамид Қорабоев, «Ташсельмаш» заводи чархловчиси Наталья Александровна Уралова, 4-автопарк шофери Собир Каримжонов, ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари — В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси — Альбина Александровна Девятова, «Ташсельмаш» заводи слесари Маҳмуд Мўйдинов, 1-пойафзал фабрикаси фрезерчиси Саид Раҳимов ва бошқалар ўтиришибди.

«Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йиллик топшириқни — тўрт йилда бажарамиз!», «Бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажарамиз!» шиорларини ўртага ташлаган коммунистлар мана шулардир.

Меҳнат илғорлари ташаббуси пойтахтдаги барча ишлаб чиқариш коллективларида кенг қўллаб-қувватланди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва энг юқори унумдорликка эришиш ташаббусига Тошкентнинг минглаб меҳнаткашлари қўшилдилар.

Мусобақанинг юзлаб илғорлари бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажардилар ва ҳозир 11-беш йиллик ҳисобига ишлашяпти.

— XX шаҳар партия конференциясидан бери ўтган вақт, — деди Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаев** ҳисобот докладида, — совет халқининг КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, тўқкизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришда кўп қиррали бунёдкорлик фаолият даври бўлди.

Совет кишилари юксак сиёсий активлик ва меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини намойиш қилдилар. Партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро раҳбарлигида бизнинг Ватанимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантиришда янги улуғвор ютуқларни қўлга киритди.

Жамиятимизнинг ғоявий бирлиги янада мустаҳкамланди, халқнинг фаровонлиги юксалди, унинг маънавий ҳаёти бойиди. Социалистик демократия янада ривожланди. Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати, унинг фан-техник қуввати янада ўсди, халқаро майдонда Советлар мамлакатининг обрўси янада юксалди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга Жаҳон Тинчлик кенгашининг олий мукофоти — Фредерико Жолио Кюри номли Олтин Медаль берилганлиги совет халқининг тинчлик ва социал тараққиёт учун кўрашдаги улкан хизматларининг ёрқин ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз коммунизм йўлида янги йириқ босқич бўлиб қоладиган КПСС XXV съезди бўсағасида турибди. Коммунистлар, бутун меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми қарорлари ва Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қондалар ва хулосаларни яқдиллик билан маъқуллаб, бу тарихий воқеага катта ҳаяжон билан тайёргарлик кўряптилар.

Яқинда матбуотда эълон қилинган «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини барча совет кишилари яқдиллик билан маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлигида партия XXIV съезди ишлаб чиққан йўлга оғишмай амал қилиб, коммунистик қурилишда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон индустрияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмини ўстириш бўйича беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди.

Тўқкизинчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишига Тошкент меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Шаҳар саноати ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати бўйича беш йиллик охирига мўлжалланган маррага 1975 йил 20 июнда етди. Ўтган йилнинг 25 ноябрида саноат маҳсулоти реализация қилиш умумий ҳажми бўйича беш йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди, унинг ўсиши илгари планлаштирилган 45.9 процент ўрнига 52 процентни ташкил этди.

Кўпгина муҳим маҳсулот турлари бўйича беш йиллик топшириқлари ошириб бажарилди, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 1.8 марта кўпайди. Халқ хўжалиги бу йилларда планга қўшимча 315 миллион сўмлик маҳсулот олди.

Партия ташкилотлари корхоналарни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича ишларни изчиллик билан амалга оширдилар. Шу мақсадлар учун қариб 450 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди.

Бир миллион квадрат метрдан ортиқ ишлаб чиқариш майдони фойдаланишга топширилди. 15 та корхона янги қурилди ва 44 саноат корхонаси эса тўбдан реконструкция қилинди. Шаҳар саноатининг фонд билан таъминланиш даражаси беш йилликда бир ярим баравар ўсди.

Саноат ишлаб чиқариши ва бошқариш системаси структурасини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Саноат маҳсулоти ўсишининг анчагина қисмига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди. Беш йиллик давомида меҳнат унумдорлиги топшириқдаги 28.4 процент ўрнига 34.4 процент ўсди. Маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан тежалган маблағ 40 миллион сўмни ташкил этди.

Тўқкизинчи беш йиллик давомида капитал қурилиши муваффақиятли ривожланди.

«Главташкентстрой» ва унинг ёрдамчи-пудратчи ташкилотлари социалистик мусобақани кулоч ёйдириб, ўтган йилнинг 22 октябрида қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик топширигини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни такомиллаштириш масалаларига эътиборни кучайтирганликлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва суръатни тезлаштириш имконини берди.

Беш йилликнинг кейинги икки йилида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 21 процентни ташкил этди. Бу топшириқдагидан 4.8 процент кўп демакдир. Беш йилликда саноат маҳсулоти ўсишининг ярмидан кўпроғи ҳисобот даврига тўғри келади.

Ленин, Ҳамза, Собир Раҳимов, Чилонзор районлари саноат корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Саноатнинг муҳим тармоқлари — машинасозлик, метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари, химия ва нефть химияси саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстиришда энг юксак суръатга эришилди.

В. И. Ленин номли электрон-техника, «Миконд», «Компрессор», лан-бўёқ, «Подъёмник» заводлари, «Малика» трикотаж бирлашмаси, Абразив комбинати, 3-тикув фабрикаси ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича беш йиллик топшириқни биринчилар қаторида бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ташаббуслари маъқулланган, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларидан халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ўн минглаб ишчилар намуна олдилар. 204 ишлаб чиқариш цехи беш йиллик топширигини адо этди, ўн минглаб илғорлар эса тўқкизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажаришди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Казанцевага йўллаган табригида унинг меҳнат жасоратига берган юксак баҳоси шаҳардаги барча меҳнаткашларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради.

— Эришилган ютуқларга танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, — дейди А. А. Хўжаев, — биз, партия таълим берганидек, бажарилган ишларни келгусида ҳал қилинадиган вазифалар билан қиёслашимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми ўнинчи беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантириш вазифасини қўйган шу кунларда бу айниқса муҳимдир.

Шаҳар партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятини таҳлил этиш хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги даражасини ошириш, ишнинг услуб ва методларини такомиллаштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини кўрсатяпти.

Шаҳар саноатининг айрим тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги секин суръат билан ривожланяпти.

Ҳисобот даврида ҳар йили уч корхона маҳсулот реализацияси топшириғини бажара олмади. 27 корхона эса меҳнат унумдорлиги топшириғини адо эта олмади. Булар орасида экскаватор, электротехника, холодильниклар, Сергелидаги темирбетон конструкциялари, «Узторцветмет» заводлари, «Союзхлопкомаш» бирлашмаси корхонаси бор.

Партия ташкилотлари, саноат корхоналари хўжалик раҳбарлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида кўпгина ишларни қилдилар, лекин бу борада ҳам қолоқлар бор. Булар мебель комбинати, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, электрон-техника заводи, «Союзхлопкомаш» ва маҳаллий саноатга қарашли бошқа бир қатор корхоналардир.

Бу ва бошқа камчиликлар айрим хўжалик раҳбарлари учун план ҳали қонун бўлиб қолмаганлигини кўрсатади.

«Узбексельмаш», «Ташэлектромаш», электротехника заводлари, «Узавторемонт», «Энергостройиндустрия» бирлашмаларида станоклар паркидан фойдаланиш коэффициенти ҳамон пастлигича қолаяпти.

Янги ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Айниқса, 2-пойафзал, упа-элик фабрикалари, ёг-мой, Сергели мебель комбинатлари ва бошқа корхоналарда улардан яхши фойдаланилмаяпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленумида сўзлаган нуқтида тежамкорлик режимини кучайтириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Лекин шундай бўлса-да, Ҳисобот даврида шаҳар саноатида брак ҳамда ностандарт маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан 4.5 миллион сўм зарар кўрилди. Ишлаб чиқарилаётган холодильниклар, газ плиталари, бошқариш пультлари каби буюмлар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ XXI ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА САЙЛАНГАН СОСТАВИ

Ўзбекистон КП шаҳар комитети аъзолари

Алимов Х. Р.
Абдурасулов Ғ.
Абдураҳмонова П. Х.
Одилов С. Р.
Одилхўжаев И. А.
Акромов Т.
Орипов Ў. О.
Абдураҳимов З. Н.
Орипов С.
Алиев Б. К.
Алмазова Е. М.
Бекмирзаев Б.
Барабаш В. В.
Беккулбекова Л. Ш.
Бугров Б. И.
Бурҳонов А.
Бухоров Ғ.
Буртаева В. С.
Баженов Ю. В.
Бондаренко Р. В.
Байдаков Н. Н.
Вилохина Л. А.
Викторов А. Е.
Валетова Л. А.
Гульматов А.
Галочкина З. П.
Галиулин М. Х.
Горбунов О. П.
Данилова Ю. А.
Данная З. К.
Дудин К. П.
Деревянченко И. Г.
Жумабекова Г.
Ефимков А. А.
Жмака Н. И.
Журавлева О. В.
Зайцев Б. А.
Зиёева К. М.
Зайцева Г. В.
Заворотнев А. А.
Иванова С. И.
Игумнов Т. И.
Икромов А. С.
Иброҳимова Н.
Эргашев Т. Э.
Исломов Ш.
Икромов М.
Эшонхўжаева М. Х.
Ильвисова Г. Г.
Исамуҳамедов Н. Р.
Қозимов В. О.
Камаева З. А.
Кароматов С. М.
Каримова З. С.
Қаҳҳорбеков К. М.
Колесников В. Н.
Ким А. А.
Климов В. Е.
Қосимов Т. Ғ.
Қаҳҳоров М. М.
Қорабоев Ҳ.
Камолов Х. К.
Кожемякин В. В.
Курдина Л. П.
Логинов Б. И.
Любишин С. Г.
Максимов Ю. П.
Мартьянова М. М.
Маришев Т. Ф.
Мақсудова Р. Я.
Мелкумов В. С.
Мелкумов Л. Н.
Муҳаммаджонова С.
Мушкарев В. Г.
Муҳаммадеева Л. В.
Мавлонова С.
Мирзаахмедов У.
Мимрина В. К.
Маракулин Л. Ф.
Нажмиддинов Ф. Н.
Назруллаев Ф.
Нурмуҳамедов А.
Набиев Т.
Набиева М. Г.
Нарзуллаев Н.
Новаченко Н. С.
Нусратов Ш .Т.
Орлова Л. А.
Покутнев В. Т.
Расулов О. С.
Рахмонов С.
Рафиқов Ғ. В.
Ропяк Н. Г.
Ряхова Н. В.
Рустамов Э. Р.
Рустамова А.
Расулов К. Р.
Саркисов Г. М.
Сатторов И. Ғ.
Сафоев С. Б.
Седова В. М.
Семенов П. В.
Сивец В. Н.
Сирожиддинов Б. Х.
Султонова С. У.
Стешенко Г. П.
Султонмуродов А.
Содиқов Т. С.
Солиҳов Қ. А.
Старостина Н. В.
Сотволдиев А.
Тўлаганов А. Т.
Тожиев С. К.
Туския Н. П.
Тиҳонова Л. И.
Таскаев А. В.
Умарбеков У. Р.
Уразаев Ш. З.
Файзуллаев Х. Ш.
Федоринов И. И.
Федотова А. П.
Хайдарова Г. Қ.
Халилов Б. Ғ.
Хикматуллаев Н.
Хмелев А. С.
Хўжаев М. И.
Хўжаев А. А.
Хошимов Х. А.
Хлюстова Т. И.
Хўжаева С. А.
Шоабдураҳимов Ш.
Шоғуломов И. Ш.
Шораҳмедов Ж. А.
Шишкин А. И.
Шахбозов Ж.
Ширинова Н. Р.
Шепталина В. Д.
Чурсин Ю. А.
Юнусов С. Ю.
Юсупов М.
Юсупов П. А.
Йўлдошев Ҳ. К.
Ёқубжонова Ҳ.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети аъзолигига кандидатлар

Абдуллаева З. Г.
Андросова С. В.
Абдуллаев М. Н.
Алимуҳамедов А. Ф.
Ардатов В. Д.
Охунова М.
Аванесов Г. В.
Азизова Р. С.
Абдураҳмонова Д. Г.
Воеков А. С.
Ғаниев А. К.
Жамилов Э. М.
Жонибеков Д. М.
Ермакова Л. Д.
Иброҳимов А.
Қолбасин Г. В.
Карасева А. М.
Казаков М. М.
Қосимов Г. И.
Мирзаева Ш. З.
Медведева Н. А.
Мирсаибеков Ш. Р.
Мирзатуллаева Х. П.
Норҳолиқов М. Т.
Раҳматов С.
Раҳматуллаева М. У.
Содиқова М. К.
Сергеев А. М.
Содиқова К.
Салимов С.
Усмонов А. Х.
Шеянов П. С.
Чижонок И. Г.
Йўлдошева С. Б.
Якупов Т. М.

XXI ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА САЙЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ СОСТАВИ

Орипова М.
Абдуҳакимов К.
Орипов Т. О.
Багбеков Р.
Бегельман П. Б.
Бойжонов В .Р.
Доценко В. М.
Дониёров К. Х.
Деҳқонбоева Х. Х.
Золотих В. И.
Искандаров И.
Карапетов Р. А.
Каримова К. И.
Қосимов Д.
Михайлов Ю. В.
Сатторов С.
Селиванова Е. З.
Соловьева С. И.
Тўрақулов Р. У.
Тапильская А. В.
Ҳошимов Т. А.
Шаповалова С. В.
Ёрмуҳамедова Ш. Х.

ЎЗБЕКИСТОН КП ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бугун XXI Тошкент шаҳар партия конференциясида сайланган Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўртоқ **А. А. Хўжаев** Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб, ўртоқ **К. П. Дудин** шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари қилиб, **Б. Ғ. Халилов** ва **В. В. Барабаш** ўртоқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

П. Х. Абдураҳмонова, В. В. Барабаш, К. П. Дудин, Б. А. Зайцев, В. О. Қозимов, Ю. П. Максимов, Ф. Н. Назруллаев, Г. М. Саркисов, И. И. Федоринов, Б. Ғ. Халилов, А. А. Хўжаев ўртоқлар Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюросининг аъзолари қилиб сайландилар.

Л. Н. Мелкумов, Ш. Т. Нусратов, С. К. Тожиев ўртоқлар Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети бўлим мудирларини тасдиқлади: ўртоқ **В. Т. Покутнев** — ташкилий бўлим мудири, ўртоқ **К. Р. Расулов** — пропаганда ва агитация бўлими мудири, ўртоқ **Л. Ш. Беккулбекова** — фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, ўртоқ **С. Б. Сафоев**—маъмурий органлар бўлими мудири, ўртоқ **А. С. Икромов** — саноат, транспорт ва алоқа бўлими мудири, ўртоқ **Қ. А. Солиҳов** — қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири, ўртоқ **А. А. Заворотнев** — савдо-молия органлари бўлими мудири, ўртоқ **В. М. Седова** — умумий бўлим мудири қилиб тасдиқланди.

Ўртоқ **Т. Ф. Маришев** Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

Ўртоқ **С. М. Кароматов** «Ёшлар Ташкенти» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг редактори қилиб тасдиқланди.

* * *

Ўртоқ **Т. О. Орипов** Тошкент шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Тоғдан газеталарда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика граждан авиацияси ишчилари, инженер-техник ходимлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективига юборган табрикномасига бағишлаб 9 январда Тошкентда митинг бўлиб ўтди.

Табрикномани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ўқиб берди. У тўқкизинчи беш йиллик планини ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан адо этиб, меҳнатда катта ғалабага эришганлиги муносабати билан коллективни табриклади.

Митингда сўзга чиққан ўртоқлар юксак баҳо учун республика партия ва ҳукуматига ташаккур билдирдилар. Авиаторлар КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш, партиянинг барча режаларини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни ишга соламиз, деб сўз бердилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК:

(Боши 1-бетда).

Ҳисобот даврида шаҳар саноати корхоналарида иш вақтининг йўқотилиши 800 минг одам-кундан иборат бўлди.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлиги ҳамда уни интенсивлаштириш суръатини ошириш вазифаси партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларидан қувватлардан тўлиқ фойдаланиш ҳар бир агрегат, машина, станокдан унумли фойдаланиш, смена коэффициентини ошириш, кўп станокка хизмат қилиш, машина-ускуналарнинг бўш туриб қолишини, ресурсларни ва иш вақтини бекор кетишини қисқартириш учун кунт билан кураш олиб боришни талаб этади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш структураси янада такомиллаштириши талаб қилади. «Тошкентвино» бирлашмаси, «Учқун» фирмаси каби корхоналарда ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш бўш олиб борилмоқда. «Средазэлектроаппарат», «Союзхлопкомаш», «Узбекзолото» бирлашмалари бир меъёрда ишламаяпти, ишлаб чиқаришнинг ноқулай структурасини сақлаб келмоқда.

Шаҳарда майда корхоналар ҳали ҳам кўп. Уларни йириклаштириш ҳамда ихтисослаштириш суст олиб борилмоқда.

Илмий — ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш ҳали ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шаҳарда шундай бирлашмалар атиги иккита.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқиб, шаҳар, район партия комитетлари, партия ташкилотлари экономикага раҳбарлик даражасини юксалтиришлари, кадрларни юксак талабчанлик, топширилган ишга нисбатан шахсий масъулиятини ошириш руҳида тарбиялашлари керак.

Шундан кейин докладчи капитал қурилишга партиявий раҳбарлик масаласига ўтади.

Ҳисобот даврида шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, ўз кучғайратларини капитал маблағлар самарадорлигини янада оширишга, объектларни тиклаш муддатини қисқартириш, қурилиш сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга сафарбар этдилар.

Уй-жой қурилишига катта эътибор берилди. Икки йилда ана шу мақсадлар учун 220 миллион сўм сарфланди, 1260 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой фойдаланишга топширилди.

15 мактаб, 1590 ўринли шифохона корпуси, қариб 7 минг ўринли болалар муассасалари, уч АТС биноси, шаҳар хўжалигининг кўпгина объектлари фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳар қурилишида бунёдкорликнинг яхлит ансамблига ўтиш кўзга ташланади. Владимир Ильич Ленининнг улуғвор ҳайкали ўрнатилган Марказий майдоннинг жозибали архитектура ансамбли қад кўтарди. Ижтимоий-сиёсий маъмурий ва маданий аҳамиятдаги шаҳар марказларини лойиҳалаш ва қуришда анчагина ишлар қилинди.

Тошкент маркази архитектураси учун 1975 йилги Давлат мукофотининг берилиши кўп минг кишилик Тошкент қурувчилари, лойиҳачилари, архитекторлари отрядининг, Москва шаҳар қурувчилари, иттифоқдош қардош республикалар бинокорлари ижодий меҳнатининг муносиб тақдирланишидир.

Орденли 159, «Висотстрой», «Узэлектромонтаж», «Строймеханизация», 7-кўприксозлик трестлари коллективлари беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Республикамиз тўрт ишлаб чиқариш илгорининг КПСС XXV съездига йўлланадиган меҳнат рапортига имзо чекиш ҳуқуқини олиш учун бошлаган ташаббусларини ҳозирда 300 дан ортиқ бригада қўллаб-қувватлади. Улар орасида уйсозлик комбинатидан Исмоил Орипов, «Отделстрой» трестидан Анна Запольская, «Висотстрой» трестидан Жалил Қаюмов бошлиқ ва бошқа кўпгина бригадаларнинг коллективлари бор.

Шу билан бирга, капитал қурилиш ишларини таҳлил этиб ва уни танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу тармоқда ҳали ҳам кўпгина камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар мавжуд.

Шаҳар бўйича пудрат ишлари плани 103,3 процент бажарилганига қарамай, ҳисобот даврида 78 миллион сўм ўзлаштирилмади, асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилмади.

План ва давлат интизомларининг бузилиш ҳоллари капитал маблағлардан фойдаланишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш, куч ва маблағларни бўлиб юбориш ҳоллари кадрларни топширилган ишга юксак масъулиятлилик руҳида тарбиялаш, бажарилган ишлар якунига танқидий муносабатда қараш партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятларида ҳали ҳам асосий ва белгиловчи роль ўйнамаётганлигидан далолат бериб турибди.

«Отделстрой», 8, «Ташпромстрой», «Ташсантехгазмонтаж», «Средазтрансстрой», «Узбексвязстрой» трестлари кабі бир қатор қурилиш ташкилотларида асосий кўрсаткич бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажаришда ҳали ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Уй-жойлар қурилиши муддати ҳали ҳам чўзилмоқда, районларни комплекс қуриш вазифалари суст ҳал этилмоқда. Кўп қаватли бинолар қуришга ўтиш секин амалга ошириляпти. Ҳисобот даврида умумий уй-жойларнинг 85 процента «коникарли» баҳода топширилганлигини нормал ҳол деб бўлмайди, албатта, 1974 йилда бошланган уй-жойларни босқичма-босқич топшириш системаси суст жорий этиляпти.

Қурилиш-монтаж ишлаб чиқариши, айниқса, потокли қурилишни бошқаришда тармоқли планлаштириш бўйича объектлар қуриш масаласида катта камчиликлар бор. КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган «орёлчасига узлуксиз қуриш» тажрибасини жорий этиш масаласига эътиборни янада кучайтириш керак.

Ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари тажрибаси асосида қурувчилар активлиги ва ташаббускорлигини оммалаштириш каби социалистик мусобақанинг кенг имкониятларидан етарли фойдаланилмаётир. Н. Злобиннинг бригада пудрати методини жорий этишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпгина ҳолларда маъмурият бригада олдидаги мажбуриятини бажармайди.

Шаҳар партия ташкилотларининг бурчи ишда ҳақиқий партиявий услубни кун сайин қарор топтиришдан, капитал қурилишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга оқилона амалий ёндошишдан иборат. Партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий иши ҳар қачонгидан ҳам кўра ягона мақсадга— қурувчилар ва монтажчиларни, лойиҳачиларни, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари корхоналари коллективларини КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1975 йил) Пленуми томонидан белгилаб берилган вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этишга қаратилмоғи керак.

Шаҳар хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ва гармоник ривожлантиришда, капитал қурилиш суръати ва самарадорлигини янада оширишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ўтган йил февраль ойида қабул қилган «Тошкент шаҳрини комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръатлари ва сифат даражасини янада ошириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аниқ программа бўлиб қолиши керак.

Шундан кейин докладчи транспорт ва алоқа корхоналари ишида раҳбарлик масалаларига тўхталади.

Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими, марказлаштирилган юк ташиш трести, Тошкент ва Сергели авиа бўлинмалари, кўпгина такси паркларининг тўқ-кизинчи беш йиллики яхши натижалар билан якунладилар.

Темир йўл вокзалини реконструкция қилишда бирмунча ишлар амалга оширилди, янги аэропорт, кўприклари ва ер ости ўтиш йўллари бўлган йирик транспорт магистраллари қурилди.

«Ташпассавтотранс» ва шаҳар телефон тармоғи бош бошқармалари тузилганлиги, шаҳар хўжалигидаги ана шу тармоқлар фаолиятининг сифат кўрсаткичларини бирмунча яхшилади. Автобус, трамвай, троллейбус ва таксомотор маршрутлари тармоғи кенгайди, уларнинг ҳаракатдаги состави тўлдирилди ва янгиланди, ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланди. Янги АТСларнинг ишга туширилиши ва улардан фойдаланишнинг яхшиланиши ҳисобига телефон тармоқлари сигими 44 минг номерга кўпайди.

Шунинг билан бирга транспорт ва алоқа корхоналари ишида ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор. Тошкент темир йўл бўлимида ишлаб чиқаришнинг бир қатор муҳим кўрсаткичлари бажарилмади, поезд ва маневр ишларида бракка йўл қўйиш ҳоллари давом этмоқда.

Юк транспортида парклардан фойдаланиш коэффициенти ҳали ҳам паст.

Ҳисобот даврида шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва Автомобиль транспорти министрлиги пассажир транспортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, меҳнат шароитини яхшилаш ва ҳаракатдаги составини янгилаш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Шунга қарамай, шаҳар хўжалигининг ана шу тармоғи ишқ пассажир ташишнинг ўсиб бораётган ҳажмига ҳали ҳам жавоб бермайди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети трамвай-троллейбус Бошқармаси ўз ишини яхшиламаяпти. Парклардан фойдаланиш коэффициенти паст. Пассажир ташиш плани йилдан-йилга бажарилмай келяпти. Меҳнат интизомини бузиш фактлари ҳали ҳам кўп, кадрлар кўнимсизлиги юқори.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар, бўлиб ўтган район партия конференцияларида делегатлар ана шулар ҳақида рўй-рост гапирдилар.

Шаҳар пассажир транспорти ишини бундан буён янада ривожлантириш ва яхшилаш вазифалари партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетларидан ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада такомиллаштиришни, транспорт ва алоқани ривожлантириш масалаларини бирмунча чуқурроқ ўрганишни, бу масалаларни қунт ва изчиллик билан ҳал этишни талаб қилади.

Тез суръатлар билан қурилаётган Тошкент метрополитенини фойдаланишга топшириш шаҳар пассажир транспорти ишини яхшилашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Аммо, мажбуриятни бажариш ҳамда метрополитеннинг биринчи навбатини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигида фойдаланишга топшириш учун 40 миллион сўмликдан ортиқ ҳажмдаги ишларни бажариш, тоннеллар қурилишини ҳамда тўқ-қизта станцияда катта ҳажмда пардозлаш ишларини ниҳоясига етказиш керак.

Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини такомиллаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш ва моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш масаласи шаҳар ва район партия комитетларининг доимо диққат марказида турибди. Ҳисобот даврида қариб 14 минг квадрат-метр савдо майдони қурилди, умумий овқатланиш тармоқларидаги ўринлар сони 13,6 мингтага кўпайди, 8,5 минг квадратметр ҳажмда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаланишга топширилди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, 1-пойафзал ва бадиий буюмлар фабрикаларида йирик умумий овқатланиш корхоналари, «Зарафшон» ресторани ва бошқа корхоналар ишга туширилди. Хизмат кўрсатиш корхоналари ёнига 30 та янги объект қўшилди. Шаҳар меҳнаткашларига 400 хил дан ортиқ хизмат кўрсатилмоқда. Хизмат кўрсатиш коллективларида ишнинг прогрессив формаларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданияти ва буюртмаларни бажариш сифатини ошириш учун қунт билан кураш олиб борилди.

Медицина ва социал таъминот партия ташкилотлари ва коллективлари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бизнинг соғлиқни сақлаш бўлимларимиз замонавий моддий техника базаларига, юқори малакали кадрларга, кенг тармоқли илмий-тадқиқот ва клиник ташкилотларга эга.

Кейинги икки йилнинг ўзидагина шаҳарда тўртта поликлиника, иккита диспансер, мамлакатда энг йирик бўлган кўкрак хирургияси маркази ишга туширилди. Улар фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган ускуналар билан жиҳозланган.

Даволаш практикасида диагностика ва даволашнинг ҳозирги замон методлари кенг жорий этилмоқда. Касалликларнинг олдини олиш, санитария назорати, шаҳар сув ҳавзалари ва ҳавони муҳофаза қилиш юзасидан бирмунча ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ана шу тармоқлар фаолиятида камчиликлар ва амалга оширилмаган ишлар ҳали ҳам мавжуд, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Савдода ишнинг прогрессив форма ва методлари ҳали ҳам секинлик билан жорий этилмоқда.

Шаҳардаги бир қатор умумий овқатланиш корхоналари чекланган ассортиментда ва паст сифатли маҳсулотлар тайёрламоқдалар. Мактаб ўқувчилари, корхона ва қурилишларнинг ишчилари учун овқат ташкил этишда ҳали ҳам жиддий камчиликлар давом этмоқда.

Совет савдоси қоидаларини бузиш ҳоллари ва аҳолига маданий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар ҳали ҳам тугатилмаган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида тез ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш, даволаш профилактикаси ва касалхонага ётқизишни ташкил этиш, аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини бирмунча тўлиқ қондириш ишидаги камчиликлар ҳамон бартараф этилмаган.

Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини изчиллик билан яхшилаб бориш вазифалари шаҳар, район партия комитетлари, партия ва совет органларидан меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга бевосита алоқадор бўлган ана шу тармоқларга раҳбарлик қилиш даражасини янада ошириши талаб этади.

Ҳисобот докладида шаҳар илмий муассасалари ва ўқув юртларининг фаолиятига катта ўрин берилди.

Республика пойтахти — Тошкент илмий тафаккур ва экономика ҳамда маданиятнинг барча муҳим йўналишлари бўйича юксак малакали кадрлар тайёрланадиган йирик марказлардан биридир.

КПСС XXIV съезди талабларига мувофиқ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, шаҳримиз илмий муассасалари ва олий ўқув юртларининг олимлари ўз кучғайратларини фан тараққиётининг ҳал қилувчи участкаларига, унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга сафарбар этмоқдалар.

Олимлар ижтимоий тафаккурнинг ривожланишига, республика халқ хўжалигини прогноз қилишга, табиат сирларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшишди.

Фанлар академиясининг институтлари ҳисобот даврида 9 мингдан зиёд илмий иш устидаги тадқиқотларни тугаллаб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида амалий фойдаланиш учун тавсия қилдилар. Фақат табиёт ижтимоий-иқтисодий институтларининг тугаллаган тадқиқотлари жорий этилиши натижасида олинган иқтисодий фойда бир миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Тошкентдаги 20 олий ўқув юрти ва 35 техникум олимларимизга муносиб ўринбосарлар, ишлаб чиқаришнинг юксак малакали кадрларини тайёрлаб етиштирмоқда.

Умумий ўрта таълимга ўтиш ҳақидаги қонунни бажариш бўйича ишлар давом эттирилди.

Мактабларнинг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, педагогик коллективлари ўқиш жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларни меҳнатга, ишчи касбларига ҳурмат руҳида тарбиялаш устида тинмай шуғулланмоқдалар.

Шаҳар ва район партия комитетлари, халқ маорифи органлари ишчи ёшлар мактабларига алоҳида эътибор беришди.

Ҳисобот даврида ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштириш бўйича талайгина ишлар бажарилди, ҳунар-техника билим юртларининг сони бир ярим баравар, билим юртлари ўқувчиларининг сони эса деярли икки баравар ошди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади докладчи, қатор илмий ва илмий-тадқиқот муассасаларида, конструкторлик бюроларида партиянинг илмий ишларни ташкил этишни такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тугалланган тадқиқотларни тезкорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисидаги талабларни сусткашлик билан ҳаётга жорий этилмоқда.

Айрим илмий муассасалар ўз кучларини сочиб юборишяпти, амалиёт учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган, арзимаган проблемалар билан шуғулланишяпти.

Мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқув-педагогика ва тарбия ишлари янада такомиллаштиришни тақозо этади. Ўқувчиларга ҳунар ўргатиш ва уларнинг касб танлашига доир қатор проблемалар ҳали ҳам тўла ҳал этилмаган.

КПСС ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида фанимиз, олий мактаб, халқ маорифи олдига қўйилган вазифалар шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларидан илмий тадқиқотлар мазмуни ва самарадорлигини ҳамиша диққат марказида тутишни, илмий муассасалар билан корхоналарнинг алоқаларини мустаҳкамлаш ва бу алоқалар кўламини кенгайтиришни талаб қилади.

Бутун таълим-тарбия ишлари савиясини ошириш, ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш олий ўқув юртлари, техникумлар ва мактаб партия ташкилотлари фаолиятида етакчи ўринни эгаллаши керак.

Бундан кейин ҳам ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштириб бориш, унинг тараққиётига хизмат қилувчи янги шакл ва усулларни изланиш ҳамда тоғиш лозим. Ишчилар синфи мамлакатимизнинг етакчи синфи бўлиб келганлигини ва бундан кейин ҳам етакчи синф бўлиб қолишини, унинг учун муносиб ўринбосарлар тайёрлашдан олий ва ўрта маҳсус вазифа йўқ лигини ҳамиша ёдда тутиш керак.

Партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ана шу съездидан кейин ўтган пленумлари кўрсатмаларига амал қилган шаҳар партия ташкилоти, — деди докладчи, — коммунистларни ва барча меҳнаткашларни юксак сиёсий онглилик руҳида тарбиялашни яхшилаш бўйича кўпгина ишларни амалга оширди.

Идеология ишининг хўжалик ва ташкилий ишлар билан бузилмас алоқасини мустаҳкамлаш шаҳар партия ташкилоти ҳисобот давридаги фаолиятининг ўзига хос томонидир.

Сиёсий ва иқтисодий таълимни ташкил этишда КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими» ҳамда «Белоруссия партия ташкилотининг идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш бўйича ишлари тўғрисида» қарорлари ўйнайди. Ана шу ишда рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалалари бўйича Тошкентда ўтган Бутуниттифоқ конференцияси материалларидан кенг ва атрофлича фойдаланиш керак.

Идеология ишлари савиясини кўтаришда меҳнаткашлар турмушига кириб борётган янги одат ва маросимларни пропаганда қилиш ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Идеология ишларини кучайтириш идеологик таъсир ўтказишнинг барча куч ва воситаларидан янада тўлароқ фойдаланишни, пропагандист кадрлар, журналистлар, адабиёт ва санъат арбоблари, матбуот органлари, радио, телевидение, кино, маданий оқартув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ҳисобот докладининг таҳлилини қисми партия қурилиши масалаларига бағишланади.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларига амал қилган шаҳар ва район партия комитетлари, — деди докладчи, — ўз фаолиятларини ташкилий-партиявий ишлар савиясини янада кўтариш, партия сафларини мустаҳкамлаш ва унинг сифат таркибини яхшилашга, партия ички демократиясини ривожлантириш ва партия раҳбарлиги услубини такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ва коммунистлар активлигини оширишга, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини яхшилашга қаратдилар.

Кўпчилик партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ўз фаолиятларида тинмай изланиш ва ижодий ташаббускорлик, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишга самарали таъсир ўтказишга интилиш диққатга сазовор.

XX партия конференциясидан сўнг партия ташкилоти ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, сон жиҳатидан ўсди ва ҳозир ўз сафларига 83 мингдан зиёд коммунистларни бирлаштирган.

Партия ташкилотларининг роли ошиб бориши билан бир вақтда уларнинг структуралари такомиллашиб борди. Ҳисобот даврида қайтадан Сергели район партия ташкилоти, 38 бошланғич ва 80 цех партия ташкилотлари, 67 партия группалари ташкил этилди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш бошланғич партия ташкилотлари ва умуман шаҳар партия ташкилоти жанговарлигини ошириш, ғоявий ва ташкилий бирлигининг мустаҳкамланишига сезиларли таъсир этди. У коммунистлар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмун ва методларини бойитди.

Бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетларининг вазифаси, аввало, ишчи синфи ва интеллигенциянинг энг яхши вакиллари ҳисобига ўз сафларининг ўсиб бориши ва сифат жиҳатидан мустаҳкамланиши тўғрисида бундан буён ҳам доимо ғамхўрлик кўрсатишдан, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашдан, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида партия таъсирини кучайтиришдан иборат.

Шаҳар, район партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг Ярославль партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарорини бажара бориб, партия йиғилишларининг коллектив раҳбарлик органи, коммунистларни тарбиялаш мактаби сифатидаги ролини оширишга муваффақ бўлдилар. Яқинда бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район партия конференциялари шу ҳақда гувоҳлик берди. Бу йиғилиш ва конференциялар партия сафларининг ташкилотчилик ва ғоявий бирлигини, партия ички демократиясини янада ривожлантириш, шаҳар коммунистларининг КПССнинг ленинча Марказий Комитети тезларигига жипслашганликларини намойиш этди.

Шаҳар комитети КПСС Марказий Комитетининг Тамбов область партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарорини бажара бориб, бир қатор тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширдики, улар танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожланишини бирмунча кучайтириш имкониятини берди. Партия йиғилишларининг роли, уларнинг коллектив олдида турган вазифаларни ҳал этишдаги сафарбарлик ва ташкилотчилик таъсир кучи сезиларли даражада ўсди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг шаҳарнинг социал-иқтисодий ривожланиш планини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, шаҳар партия комитети ҳар бир партия ташкилотининг илмий асосда, истиқболли иш олиб боришига, социал-иқтисодий ривожланиш масалаларини комплекс ҳал этишларига эришмоқда.

Партия ва совет ходимларининг ўқув системаси, партия қурилиши масалалари юзасидан олиб бориладиган илмий-амалий конференциялар ва семинарлар меҳнатни илмий ташкил қилишни жорий этишга қаратилган.

Назоратни яхши йўлга қўйиш, ижрони ташкил этиш ва текшириш юзасидан олиб бориладиган ишлар услубини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлди ва шундай бўлиб қолади. Бюро ва йиғилишларда коммунистларнинг партия қарорларини қандай бажарганликлари тўғрисида ҳисобот беришлари амалда тобора кенг қўлланилмоқда. Бундай ҳолларда масъулиятсизлик, ўзбўларчилик ва интизомсизлик қилган кишиларга нисбатан жиддий чора кўрилди.

Шу билан бирга, баъзи бир партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятларида ҳали ниҳоясига етказилмаган ишлар бор. Бир қатор ташкилотларда партия йиғилишларини ўтказиш муддатига риоя қилинмаяпти, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ташкил этиш ҳамма вақт ҳам самара бермаяпти. Маъмурият фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқидан фойдаланиш комиссияларининг айримлари ишида жиддий нуқсонлар бор.

Бир қатор партия ташкилотлари кадрларга эътибор ва талабчанликни бўшаштириб юбордилар, уларнинг ғоявий ва касб маҳоратлари ошиши тўғрисида керакли даражада ғамхўрлик кўрсатмадилар.

Ўрта звено раҳбар кадрларини, аввало саноат, қурилиш ва транспортда танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан олиб бориладиган ишларни жиддий яхшилаш талаб этилади.

Бизнинг фаолиятимизда, дейди докладчи, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг партия ҳаёти ленинча нормаларига изчиллик билан риоя қилиши ташкилий-партиявий ва ғоявий-тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштириш энг муҳим иш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Партия ички демократиясини бундан буён ҳам янада ривожлантириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини, уларнинг меҳнат коллективи ҳаётининг ҳамма томонларига таъсирини кучайтириш керак.

Раҳбар кадрларнинг ишга илмий ёндошишлари, коллективчилиги, шахсий масъулияти, ишбилармонлиги, бурч ва интизомни юксак ҳис этиши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ташаббус билан ишга ижодий ёндошиш, эришилган натижаларга танқидий нуқтаи назардан қараш билан ҳамоҳанг бўлиши керак.

Қадрларни танлаш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ва тарбиялаш бундан буён ҳам ленинча принциплар асосида олиб борилиши, партия, совет, хўжалик, маданий-тарбиявий ва жамоатчилик ишларининг барча участкалари ғоявий стук оммани уюштира оладиган кишилар билан мустаҳкамланиши керак.

Ёшлар ўртасида ғоявий-сиёсий ишлар савиясини янада баланд кўтариш, комсомол ташкилотларига ёш авлод ўртасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кучайтиришда амалий ёрдам бериш шаҳар партия ташкилотининг бурчидир.

Тошкент меҳнаткашлари,— деди сўзининг охирида А. А. Хўжаев, —ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилига партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа байрогини янада баланд кўтаришдек қизғин ватанпарварлик интилиши билан қадам қўйдилар. 1976 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари экономика ва шаҳар хўжалиги барча тармоқларининг янада тезкор ривожланишини кўзда тутади.

Бутун фаолиятимизнинг оғирлик маркази барча планларимиз ва мажбуриятларимиз тақдири ҳал бўлаётган ерга — цехларга, қурилиш майдонларига, бригадаларга, олимлар лабораторияларига кўчирилиши лозим. Айнан шу, ўнинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларининг бажарилибгина қолмай, ортиги билан ado этилиши, КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленуми белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий гарови бўлади.

(Давоми 3-бетда).

СУРАТДА: бир группа конференция делегатлари (чапдан ўнгга) тепловоз депоси машинисти Ш. Қорабоев, Ҳамза район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Ф. Топчий, тепловоз депоси машинисти Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Хўжаев ва тепловоз депоси бошлиғи Ҳ. Маҳамедов.

М. Нуриддинов фотоси.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Боши 2-бетда).

КОНФЕРЕНЦИЯ делегатлари шаҳар партия комитети ва ревизия комиссияси ҳисобот докладлари муҳокамасида фаол иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар конференциялар ўртасида ўтган давр партия ташкилотларининг тўққизинчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, халқ ҳаётининг моддий ва маданий савиясини оширишга қаратилган ташкилий ва сиёсий ишлари янада кучайганлиги билан характерланади, деб таъкидладилар.

Нутқларда КПСС Марказий Комитети декабрь (1975 йил) Пленуми илгари сурган вазифаларни амалга оширишга, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун оммавий социалистик мусобақани кенг авж олдиришга катта ўрин берилди.

* * *

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари, сифат бўйича шаҳар методик Советининг раиси **И. Федоринов** ўз нутқини шаҳар корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилашнинг львовликлар яратган методини жорий этиш масалаларига бағишлади. Район партия ташкилоти,— деди у, — КПСС XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумлари қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш бўйича жуда муҳим тадбирларни ишлаб чиқаяпти ва ҳаётга тадбиқ қилаяпти. Буюмлар сифатини яхшилаш вазифаси бошланғич партия ташкилотларида ва район партия комитети пленумида муҳокама қилинди. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида корхона стандартлари тайёрланаяпти, улар конструкторлик ечимларидан тортиб, маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш ва тайёр буюм ҳақида харидорлар фикрини ўрганишгача бўлган бутун бир жараённи қамраб олади. Стандартлар тайёрлашга тикувчилик саноати илмий-тадқиқот институти олимлари жалб этилди. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳар жиҳатдан харидорларнинг талабига жавоб бериши учун нималар қилиш керакligини аниқлашади.

Бирлашма партия ташкилоти юксак сифат кўрсаткичлари учун олиб борилаётган мусобақанинг таъсирчан бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилади, ҳар ҳафтада бир марта «Сифат куни» ўтказилади. Бирлашмада ҳозирнинг ўзида 59 та буюм Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаяпти. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия ташкилоти ва раҳбарлиги сифатни яхшилаш масаласига чуқур ва атрофлича ёндошаяпти. «Ташкимсельмаш» заводи коллективи чанглагич-пуркагич машиналарининг сифатини яхшилаш устида қунт билан ишлаяпти.

Бироқ, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш бўйича фақат дастлабки қадамларгина қўйилди. Олий категориядаги буюмларнинг асосий қисмини бугунги кунда аксарият етакчи корхоналар тайёрлаяпти. Уларнинг ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ҳали паст, Биронта ҳам маҳсулоти Давлат Сифат белгисини олмаган корхоналар ҳам бор, баъзи бир корхоналар эса маънавий жиҳатдан эскиб қолган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда давом этяпти.

— Пойтахтнинг экономикасини, фани ва маданиятини ривожлантиришга шаҳарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг учдан бир қисмини тайёрлаётган Ҳамза райони меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшишаяпти, — деди ўз нутқида район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Эргашев.** — Беш йиллик мобайнида район саноати планга қўшимча 100 миллион сўмлик, шу жумладан, ўтган йили 40 миллион сўмлик маҳсулот берди. Саноат ишлаб чиқариши ва реализациясининг умумий ҳажми пландаги 40 процент ўрнига 53,2 процентга ўсди.

Районда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, илғор иш методларини жорий этишга, ускуналарни планли равишда янги, самарадорлари билан алмаштиришга кўп эътибор берилаяпти. Фақат сўнгги икки йилнинг ўзида район корхоналарида 32 та поток линия, 1,5 мингтадан кўпроқ янги ускуналар ўрнатилди.

Булар ҳаммаси ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рентабеллигини оширишга, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришга, асосий фондлардан оборот маблағлар ва капитал маблағлардан омилкорлик билан фойдаланишга ёрдам бераяпти.

Асбобсозлик заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Ефимков** ўз нутқини ёш ишчиларни тарбиялаш, мураббийчиликни юксалтириш масалаларига бағишлади. Ёшларга касб ўргатиш, уларнинг ўз корхоналари, коллективларини севишлари, шонли революцион ва меҳнат анъаналарини ҳурмат қилиш ва бойитишга ўргатиш олдимизда турган вазифалардандир.

Мураббийчилик бўйича практик конференциялар, семинарлар, курслар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлган бўлур эди. Бу нарса ишчи ўринбосарларини меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш масалаларини тагин ҳам малакали ва муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон КП Фрунзе район комитетининг биринчи секретари **С. Султонова** ўз нутқини ташкилий-партиявий ишларни ва партия активи ўқувини такомиллаштириш масалаларига бағишлади.

— Бизнинг барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга ошиши, — деди у, — оқибат натижада экономика ва маданият масалаларини билиб ҳал этаоладиган, бошқарувнинг замонавий методларини эгаллаган кадрларга боғлиқ бўлиб қолади. Шу боисдан ҳам кадрлар билан ишлаш район партия ташкилотининг диққат марказида турибди.

Район партия комитети номенклатурасига кирувчи 539 ходимнинг 194 нафари олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Корхона ва ташкилотларда 30 мингга яқин дипломли мутахассислар ишлаяпти.

Ўрта звенодаги ишлаб чиқариш командирларининг 45 проценти коммунистлардир,

● Тошкент Декларациясининг 10 йиллигига

ТОШКЕНТ РУҲИ

Роса ўн йил муқаддам дунёдаги барча прогрессив инсониятнинг диққат-эътибори Тошкентга қаратилган эди. Гўзал шаҳримизда — «Тошкент руҳи» туғилган она тупроғимизда Осиёдаги инқирозга юз тутган давлат — Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари раҳбарларининг тарихий учрашуви бўлиб, унда тарихий ва сиёсий ҳужжат бўлмиш Тошкент Декларацияси имзоланган эди. Тошкент кўпгина тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлиб қолмоқда. Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можарони бартараф этишда ҳам Тошкент бамисоли тинчлик маркази, сулҳ ва адолат пойтахти бўлдики, бу воқеа инсоният тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди.

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий сабабларидан бири Кашмир проблемаси эди. Бу низо айниқса 1947 йилда собиқ инглиз мустамлакаси ўрнида ниқита мустақил давлат вужудга келгандан кейин, улар ўртасидаги муносабат янада кескинлашиб, қуролли тўқнашув бўлиш даражасигача етиб борди. Покистон ҳарбий қўшинлари томонидан бир неча марта Ҳиндистоннинг Кашмир территорияси даги чегараси бузилганлиги тўғрисида 1949 йилдан 1965 йилгача Бирлашган Миллатлар Ташкилотига минглаб хатлар юборилди ҳамда Покистон ҳукуматига расмий равишда норозилик ҳам билдирилди. Аммо Покистон ҳукумати Кашмир территориясида содир этилган қуролли тўқнашувнинг олдини олиш ўрнига бунда ўзининг иштироки борлиғини инкор этди. Шу тариқа Ҳиндистон билан Покистон ўртасида 1965 йилнинг 5 августида Кашмирда уруш ҳаракатлари бошланиб кетди, сўнгра уруш бошқа жойларда ҳам давом этди, тинч шаҳар ва қишлоқлар бомбардимон қилина бошланди.

Бундай шароитда Совет ҳукумати тинчликни таъминлашни ўзининг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб билиб, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатишга натта куч ва ғайрат сарфлади. Совет ҳукумати иккала мамлакат ҳукуматларига бир неча марта мурожаат қилиб, «қон тўкишга чек қўйишни» таклиф қилди.

Совет ҳукумати 1965 йил 17 сентябрда иккала давлат ўртасида тинчлик ва дўстликни тиклаш ҳақида келишиб олиш мақсадида Ҳиндистон Бош министри ва Покистон Президентининг учрашувини СССР территориясида — Тошкент шаҳрида ўтказиш ҳақида Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматларига таклиф киритди. Совет ҳукуматининг бу олижаноб ва тинчликсевар таклифи 9 декабрда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари томонидан қабул қилинди.

Тошкент конференцияси 1966 йил 4 январдан 10 январгача давом этди.

Ҳиндистон Бош министри билан Покистон Президенти бир ҳафта давомида ҳар иккала томонга мақбул тушадиган қарорга келиш учун сабр-тоқат билан оқилона иш тутдилар. Покистон билан Ҳиндистон ўртасига совуқчилик солган мураккаб масалалар обдон ўрганиб чиқилди ва ана шу масалаларни бартараф қилиш йўлида самарали меҳнат қилинди. Ниҳоят, 1966 йил 10 январда муҳим сиёсий ҳужжат бўлган Тошкент Декларацияси имзоланди.

Тошкент Декларациясининг аҳамияти ҳақида ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: — «Биз Тошкент Декларациясини халқаро ҳужжат деб, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган яхши ҳисса деб ҳисоблаймиз. Бу Тошкент музокаралари нинг ижобий натижалар билан тугаганига нўмамлашган мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати эришган катта муваффақият ҳамдир».

Тошкент Декларацияси Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатнинг тўбдан яхшиланишга асос солди.

Ҳинди-Покистон яриморолида тинчлик ва хавфсизлик иши учун, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароит вужудга келтирди. Мана ўн йилдирки Покистон ва Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиқлари реалистик позицияда туриб, доноллик билан сиёсат юргизмоқдалар ва 1966 йилдаги Тошкент конференциясида ишлаб чиқилган принципларга содиқ эканлигини Тошкент Декларациясининг шартларини оғишмай бажаришга ётганликларини кўрсатмоқдалар.

Тошкент руҳи шаҳримизнинг довруғини бутун дунёга таратди, оламга машҳур қилди.

Ҳ. МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.

Эстония ССР Енгил саноат корхоналарида кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бораяпти. Кичкинтойларга мўлжалланган кийим-кечаклар, гилам ва чодирлар, газлама, чарм, мўйна бўлакларидан, ёғочдан ва бошқа материаллардан ясалган ранг-баранг совға буюмлари шулар жумласидандир.

СУРАТДА: «Линда» кўн-галантерея комбинати тайёрлаган совға буюмлари.

О. Виханди фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ўз-ўз ўрганиб донО бўлур...

ФАРЗАНДНИНГ БУРЧИ ҲАҚИДА

◆ Машҳур олим ва фозиллардан Ризоуддин ибн Фахриддин айтади:

1—Азиз болалар, соф-пок кўнгилли одамлар хизмат қилган кишиларнинг хизматларини тақдир этиб, уларни иззат ва ҳурмат қиладилар. Буни ўзингиз яхши биласиз. Ота-онангиз сизларга кўп хизмат қилганлар. Уларнинг хизматларини сира ҳам унутманг.

2—Ота-онангиз сизларнинг бахтли-саодатли бўлишингизни тилайдилар, жамиятнинг чин, фойдали аъзоси бўлиб етишмоғингизни орзу қиладилар. Уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришга ғайрат қилинг, насиҳатларини қўрқиб эмас, чин ихлос билан тингланг, ҳар вақт итоатли бўлинг, ишда, сўзда уларга қаршилик кўрсатманг.

3—Ота-онангиз ёнингизга келган вақтларида эҳтиром билан қарши олинг, секин ва мулойимлик билан сўзланг.

4—Ота-она ва ақлли, тарбияли одамлар орасида бўлиб, ҳикматли сўзларни эшитиш ақлни орттиради. Шунинг учун уларнинг суҳбатларида бўлинг, билмаган ва тушунмаган сўзларингиз бўлса улардан сўранг, ҳар нарсанинг аслини онлишга ғайрат қилинг.

5—Йўлингизда отангизнинг ёлғиз ўзини, ёки бошқа бир неча одамлар билан бирга бораётганини кўрсангиз, дарҳол ёнларига бориб салом бериб сўрашиб, буйруқларини кутинг. Агар бир ерда ўтирганингизда ёнингизга келиб қолсалар, дарҳол ўрнингиздан туриб салом бериб қуришинг, очиқ юз билан қарши олинг.

6—Баъзи болалар оталарининг мол-дунёсига ишониб, ҳунар ўрганишни истамандилар. Отанинг пул, молларини исроф қилиб битирганларидан кейин паришон ҳолга тушиб қоладилар. Отанинг мол-дунёсига, мартаба даражасига суянмай, илм, ҳунар ўрганинг, яқловликка одатланманг.

7—Қўлингиздан келадиган, кучингиз етадиган ишларда ота-онангизга ёрдам беринг, қариган вақтларида ўз ҳолларига ташлаб қўйманг, маишатларидан доимо хабардор бўлиб туринг, ёрдамингизни яна ҳам орттиринг. Уларга хизмат қилишдан бош тортманг. Бир кун сизларнинг ҳам фарзандларингиз бўлади. Ўйлаб кўринг, ўша вақтда болаларингиз сизларни ҳурмат қилмасалар, рози бўлармидингиз? Ота-онангизга қандай муомала қилган бўлсангиз, фарзандларингиздан шундай муомалани кўрасиз.

8—Агар ота-онангиз сизлар удда қила олмаган, кучингиз етмаган бир ишга тушунмасдан буюриб қолсалар, қаттиқ гапирмай мулойимлик билан узрингизни айтинг.

Байт:

Ота-она хизматига ҳар киши қўйса қадам,
Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

◆ Шайх Саъдий айтади:

— Онанинг жонпарвар бўйи, яъни қадқомати бир дарахт бўлса, фарзанд у дарахтнинг нозанин меваси, яъни емиши ва натижасидир. Онанинг кўкси томирлари юрак ичида эмасми? Бас, ҳақиқат кўзи билан қарасамиз, она сути — унинг юрак қонидир. Шунинг учун болага онанинг меҳр-муҳаббати, отага қараганда, яна ҳам кўпроқ бўлади. Баъзи фарзандлар шундай меҳрибон она қадр-қимматини билмайдилар.

Айтишларича, бир ёш йигит онасининг гапига қулоқ солмади. Ўзининг ота-онасизлиги соясида онасининг кўнглига озор етказди. Меҳрибон она ўғлининг қилиғидан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди, дарҳол бешикни олиб келиб, ўғлининг кўз олдига қўйиб айтди:

— Эй ёшлик, чақалоқлик пайтини унутган ноинсоф! Мана, бу бешикни кўрасанми? Ёш чақалоқ эксанг, шу бешикда кечалари уйқуни ўзимга ҳаром этдим, ухламадим. Бешикда ётар эксанг, юзингга бир пашша ёки чивин қунса, қувлашга қувват мажолим йўқлиги учун йиғлар эдинг. Мен пашша ёки чивинни қувлаб бешикни тебратардим. Ҳадеб йиғлай берсанг, ешиб олиб бағримга босиб овитардим. Ешинг улғайгунча, кўп машақатлар чекиб, сени тарбияладим, сени деб қувват-мадорим қолмади, сени деб ҳамма қийинчиликларга сабр-тоқат қилдим.

Мана, энди катта бўлиб, қуч-қувват эгаси бўлдинг. Энди у ёшлик пайтларинг унутиб, меҳрибон онанга итоат қилишни истамайсан, унинг кўнглини ранжитиб, кўз ёшларини тўктирасан. Ундай қилма ўғлим, кўз ёшларимни тўктирма, сенга қўйган меҳр-муҳаббатимни унутма. Отанг ҳам, мен ҳам сенга бахт-саодатлар тилаймиз, бизни рози қил.

Шу маънода айтганлар:

Ота-онангни ўзингдан рози қил,
Сен уларнинг қадрини хўб яхши бил
Ол олқишини уларнинг, топ камол,
Ер бўлгай бахту, давлат безавол

Азиз болалар, ота-онангизни иззат ва ҳурмат қилинг, буюрган ишларини жонуддилингиз билан қабул қилинг. Зиҳор дилларини оғритманг. Бахт-саодатли бўлай десангиз, ота-онангизни рози қилинг.

Ш. ЭУННУН тайёрлаган.

ШАНБА ОҚШОМИ

«МУСИҚИЙ» КЎЛ

Тожикистоннинг топографлари картага янги бир кўл тасвирини туширдилар. Бу кўлни республика Фанлар академиясининг экспедицияси денгиз юзидан 4 минг метр чамаси баландликда Зарафшон тогининг Арчамайдон дарасида топди. Кўмкўк музнинг серқирра қатламлари, дара атрофидаги тик қоп-қора қоялар, ҳамиша кўм-кўк ўрмонлар ажиб бир манзара касб этган.

Кўлнинг ўзига хос хусусияти бунда ҳам эмас. Бу кўл... куйлайди.

Қушларнинг сайрашини, сувга тушган тош товушини акс садо такрор-такрор эшиттириб, ажиб бир оҳанглар вужудга келтиради. Қояларнинг ёриқлари ва ғорлари ҳам ғалати-ғалати товушлар чиқаради. Атроф қишлоқ аҳолиси шунинг учун ҳам бу кўлга «Кўли алло» деган ном берган. Олимларнинг фикрича, қор ва тоғ кўчмаси дарадаги кўпдан-кўп булоқ сувларини тўсиб, шу кўлни вужудга келтирган.

ЖОНЛАНГАН ИЛДИЗЛАР

Вологда областининг Кубенское қишлоғида очилган халқ музейидаги выставкага келувчилар Иван Васильевич Проничев ясаган буюмларни айниқса, қизиқиш билан томоша қиладилар.

Иван Васильевич яшайдиган қишлоқ теварагида дов-дарахт йўқ, лекин қишлоқ ёнидаги Кубенское кўли ниҳоб қумли қиргоқ қосил қилган. Ўтган кўклам тошқинидан сўнг Проничев кўлга серқатнов бўлиб қолди. Соҳилда у қумга ботиб қолган дарахт илдизларини йиғарди. Уйда шу илдизларга кески билан авайлаб ишлов берилгач, улар жонлана бошлаб афсонавий персонажларга ўхшаб кета бошлади; улардан кўм-кўк кўзли русалка, кўзойнак тутган маймун, бир-биридан аразлашган Иван Иванович билан Иван Никифорович, ажабтовур дев қиёфалари келиб чиқди. Эндиликда санъатқор устанинг энг яхши асарлари музейда экспозиция қилиб ўнгилган.

Ю. ЛЕДНЕВ,
ТАСС мухбири.

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

Қорақиз

Медицина амалиётида қорақиз ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаси шамоллашда терлатувчи, қовуқаъзо йўли бетобликларида пешоб ҳайдовчи сифатида тавсия этилади.

Қорақиз (иттиканак деб ҳам аталади) бир йиллик ўсимлик, бўйи 30 сантиметрдан то 1 метргача бўлиши мумкин. Гуллари сариқ, карпаксимон саватчага тўпланган. Меваси — чўзиқ қобиргали писта.

Қорақиз таркибида 44 фиозгача каротин, кўп миқдорда витамин С, эфир мойи, полифеноллар, ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар мавжуддир.

Қорақиз маҳсулотларини махсуслаштирилган «Доривор ўсимликлар» дорихонасидан олишингиз мумкин. Бу дорихоналар шаҳримизнинг «Марказ-15», кварталида «Ўзбекистон 50 йиллиги» проспектида ва Ленин хиёбонида жойлашган.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

● Табиат оламида

Орол қўриқхонаси

Термиз шаҳри жанубида, Амударёнинг ўртасидаги Пайғамбар орол қўриқхонаси жойлашган. Унинг узунлиги — 8, эни — 5 километр, майдони эса 40 квадрат километрни ташкил этади.

Қўриқхона ўзининг географик комплекси, табиий шароитининг хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги билан Амударёдаги бошқа 17 та оролдан кескин фарқ қиладиб. Оролда хилма-хил географик геокомплекслар мавжуд. Жумладан, тўқайзор, ўрмонзор, қамишзор, бутазор, дашт-чўл зонасидан ташкил топган.

Орол ўзининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой. Соҳилларда терак, жийда, мажнунтол, қамишлар ўсади.

Пайғамбар оролининг иқлими ўзгача, ёзда ҳаво ҳарорати 49 даража, январда эса 4 даража иссиқ. Айрим йиллар қишда 15 даража совуқ бўлади, қор 20—22 сантиметр ёғади, ёмғир 130—140 миллиметрни ташкил этади. Афғонистондан оролга баҳор ойида кучли иссиқ «афгон» шамоли доимо эсиб туради.

Орол ўзининг хилма-хил ҳайвонот дунёсига жуда бой. Бу ерда хонгул буғуси ва қирговуллар бор. Қўриқхонада бу ердан ташқари ёввойи чўчқа, ҳинд каламуши, қўён, чиябўри мавжуд. Қушлардан — қирговул, сассиқ попушак, калхат, қора қарға, ғағизгонлар яшайди.

Оролнинг қиши иқлиқ ва тинч бўлгани учун кузда беполён Ватанимизнинг шимолидан келган юз минглаб парранда-қушлар бу ерда меҳмон бўлади ва қишлайди. Баҳорда улар яна ўз жойларига қайтиб кетишади.

Оролда калтакесак, тошбақа ва илонлар кўп. Қўриқхонада 30 та сут эмизувчи, 83 та қуш ва 22 та судралиб юрувчи ҳайвонлар тури мавжуд. Кейинги вақтда оролда шиншилла, ёнутсимон ит, нутрия ва ондатра мўйнали ҳайвонларни бу ернинг табиий шароитига мослаштириш ишлари яхши олиб борилмоқда.

Ш. ЭРГАШЕВ,
география фанлари кандидати.

● Аёллар, сизлар учун

Юзингизни парваришланг

Юзни массаж қилишдан мақсад терининг қон томирларига, нерв ва мускулларига, мой ва тер безларига таъсир қилишдир.

Юз яллиғланган, ҳуснбузар тошган ёки юз нерви насалланган ёхуд унда ҳар хил ўсмалар пайдо бўлган бўлса, юзни массаж қилиб бўлмайди.

Массаж юз мускулларини чиниқтиради ва лимфа қон томирларидаги ҳаракатни кучайтиради, тери шишини камайтиради. Бўйин, юз ва бошни массаж қилиш билан организмнинг умумий ҳолатига таъсир қилинади. Жумладан уйқу, иштаҳа яхшиланади, меҳнат қобилияти ошади.

Массажни бошлашдан олдин юзни массажга тайёрлаш лозим. Бунинг учун аввало юзни упа, чанг ва мойлардан тозалаш керак. Шу мақсадда спирт билан атир ёки спирт билан эфирнинг баравар миқдордаги аралашмалари билан юз тозалаб артилади ёки яхшилаб совунлаб ювилади. Кейин ўсимлик мойи ёки ёғли кремдан озроқ суриб, массаж қилишга киришилади.

Юзни ҳафтада иккиуч марта массаж қилиб туриш керак. Массаж олиш ва уни қандай тартибда ўтказиш тўғрисида косметолог врачлар билан маслаҳатлашиш мумкин.

● Эсингизда бўлсин...

ПОЙАФЗАЛНИ ЯХШИ САҚЛАШ

ТОЖИКИСТОН ССР. СССР Фанлар академияси шарқшунослик институти, Тожикистон ССР Фанлар академияси ва Давлат Эрмитажининг Шаҳартўс районида қазилма ишларини олиб борган археология экспедицияси аёллар олтин безаклари гарнитурини: қўзача шаклидаги исирғалар, кулон ва отнинг тасвири бўлган тўқа топиб олишди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда ана шу буюмларнинг ёши тахминан 2 минг йилга тенг.

СУРАТДА: топилдиқлардан айримлари.

ТАСС фотохроникаси.

Уйга қайтгач, пойафзални ечиб чанг ва лойдан тозалаш, қуруқ латта билан артиш, шакли ўзгармаслиги ва қуриганда қичрайиб қолмаслиги учун ичига қоғоз тиқиб қўйиш лозим. Пойафзални иситиш аппаратлари ёки печка яқинида қуритиш ярамайди, чунки чарми қовжираб, қотиб қолади, ёрилади.

Пойафзалдаги доғларни бензин, лимон суви ёки пиёз билан ишқалаб кетказса бўлади. Чарм пойафзал қотиб кетган бўлса, сутда хўлланган латта билан артиб қўйилса юмшоқкина бўлади. Жуда кир бўлиб кетган оқ пойафзални қуйидирилган магнезия порошоги бир оз қўшилган бензинда тозаланади.

Лакланган чарм пойафзалга вақт-бавақт тухум оқи сурилса, ҳамиша яраклаб туради.

Юзига газлама қопланган пойафзалларнинг чанг ва лойини олдин қуритиб, кейин чўткалаш, доғларини бензинда тозалаш керак.

Зах жойда туриб моғорлаган пойафзал моғори ҳам бензинда яхши кетади.

Пойафзалларнинг таг чармига (устки чармига текизмай) эҳтиётлик билан бир неча марта зигир, канакунжит мойлари ёки глицерин суртилса, таг чарм тез эскирмайди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10 да **Мен Чилга ишонаман** (12.00). **Кўрмайин бос.дим тиконни** (19.30). 11 да **Ҳаёт шоми.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10 да **Жон қизлар** (12.00). **Нурхон** (19.30). 11 да **Жоним фидо.**

КИНО

10 ЯНВАРДА

Амрапали — «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кечқурун).

Денгиз ўт ичида — «ЎЗБЕКИСТОН» (18.00, 20.30).

11 ЯНВАРДА

Амрапали — «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Денгиз ўт ичида — «ЎЗБЕКИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 20.30).

Бўлиши мумкин эмас — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 12.00, 16.00).

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ
ЎзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг 4-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА
шоферлар, экскаватор машинистлари, бульдозерчилар, автогрейдерчилар
КЕРАК

МЕДИЦИНА ТЕЗ ЕРДАМ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АВТОБАЗАСИГА
шоферлар, автослесарлар
КЕРАК

«ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС»нинг 4-АВТОБУС ПАРКИГА
беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган, 1, 2 ва 3-классли шоферлар, кондукторлар
КЕРАК

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй — аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ
МАКТАБ-МАГАЗИНИ
(Марказ—27, Беруний кўчаси, 2-уй)
ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
Қабул эълон қилади

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий яшовчи 16—24 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАРГА 54 СЎМДАН 58 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

ЎҚУВЧИЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР МАГАЗИНЛАРГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ВА УЛАРГА ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қоратош, кўчаси, Маҳсус проезди, 4-уй, кадрлар бўлими, (38, 14-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Қоратош» бекати). Телефон 44—28—62.

ТЕЛЕВИЗОР

10 ЯНВАРЬ— ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Юлдузча». Телевизион журнал (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Жуков телетомошабинларнинг саволарига жавоб беради. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 19.00 «Иқбол» программаси. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. А. Островский номли Тошкент театр рассомчилик институти студентлари билан учрашув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари!». Экранда— Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги. 21.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «ВАҚТ» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм (ўзб.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 «Мушукнинг уйи». Мультфильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). **Москва кўрсатади.** 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳайвонот оламида». 20.25 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Шифокор экрани» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театрининг 200 йиллигига. «Большой театр балети». 23.40 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 00.10 Янгиликлар.

Учинчи программа. 16.30 дан **Душанба кўрсатади.**

11 ЯНВАРЬ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Олга, болакайлар». 13.00 Музикали киоск. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Комсомольси». Бадиий фильм. 16.25 «Халқаро панорама». 16.55 Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Нью-Йорк Айлендерс» —«Крилья Советов». Нью-Йоркдан олиб кўрсатилади. (АҚШ). Танаффус пайтларида — Мультфильмлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Сехрли сандиқ». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 19.30 «Турмуш ва маданият». Телевизион журнал. 20.00 Ўн минут музика. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 Телевизион театр. Алп Жамол. «Бир тўй ҳангомаси». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди олдидан. «Қишлоғимиз қиёфаси». 22.45 «Экран ҳандаси». 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. Болалар учун «Камалак» программаси. 10.10 «Искорка» (рус.). 10.40 «Копток ва бола». Мультфильм. **Узбек тилида:** 10.50 Янги йил концерти. 12.10 «Одам амфибия». Бадиий фильм. 13.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. **Немис тили.** 14.15 Ота-оналар учун консультация. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 18.30 «Киноэкран янгиликлари». Реклама (рус.). **Москва кўрсатади.** 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультипликацион фильмлар программаси. 19.45 «Москванинг концерт заллари бўйлаб». 20.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳида». 21.00 «Киносаёҳатчилар клуби». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ўқитувчилар учун консультация (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Чарх». Телевизион бадиий фильм. 00.05 Янгиликлар.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади.

Чилонзор район ошхоналар трести коллективи трест бухгалтери
Рашида АМИРОВАнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан етказиб марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ҳамза район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союзи комитети 11-кечки ўрта мактаб илмий мудири С. А. Аҳмедовга онаси
Хайрихон АҲМЕДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
10 ЯНВАРЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р—03115. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2977.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими — 33-81-42.